

28



MILLIY TIKLANISH

48 (369) ● 2015 йил 6 декабрь, якшанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Азиз ватандошлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Ҳар йили Конституция кунини нишонлаш арафасида сиз, азизлар билан мана шу гўзал ва муқтадам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида учрашиш яхши анъанага айланиб қолди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллик байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни самимий табриклаш, барчангизга чукур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ўзим учун юксак шараф, деб биламан.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бугунги кунда ҳаётимизда қандай улкан, ҳал қилувчи ўрин тутаётгани ҳақида ортиқча гапиришни ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаётимиз қомуси бўлиш Конституцияимизни юксак қадрлашимизнинг сабаби аввало унинг коммунистик мафкура асосига қурилган эски маъмурий-буйруқбозлик ва

тақсимот усулидан, мустабид тузумдан бутунлай воз кечганимизни эълон қилиб, биз учун янги давлат ва жамият қуришнинг энг муҳим принцип ва мақсадларини, вазифа ва нормаларини белгилаб берганида, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибидан асосан пахта хомашёси етказиб берадиган, салоҳияти паст, аҳолисининг ҳаёт даражаси энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, тарихан қисқа даврда барқарор суруятлар билан ўсиб бораётган, кўп қиррали иқтисодиётга эга бўлган замонавий давлатга айлангани барча-барча кузатувчиларни ҳайратда қолдириши бугун объектив ҳолатдир.

Конституцияимиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибидан хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шаклланти-

ришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик пойдевориغا айланди.

Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ва 2014 йилларда Бош қомусимизга киритилган тузатишлар жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб тан олинган дастур асосини ташкил этди. Айна шу модель замонавий, жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатнинг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайд.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги улкан синнов ва машаққатлар, оғир муаммоларга, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг

ҳали-бери давом этаётгани, тайёр маҳсулотлар ва асосан хомашё ресурсларига бўлган талабнинг кескин пасайиб бораётганига қарамасдан, юртимизда иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсиш суруятлари таъминланмоқда.

Бу борада баъзи бир мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди.

Кейинги 11 йилда, жумладан, жорий 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суруятлари барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда, макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов баланснинг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоиздан ошмаяпти.

Ушбу сонда:

Ёшлар — соғлом ахборот муҳити тарафдори навоийлик ёшлар ана шундай эзгу мақсад атрофида бирлашди



> 6-бет.

Таълим кредитлари талаба-ёшларга муҳим кўмакчи бўлмоқда

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда ЎзМТДП гуруҳлари депутатлик сўрови ваколатидан унумли фойдаланаётир



> 7-бет.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислам Каримов 5 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Бугун мана шу муқтадам залда сиз, азизларни Конституция кунини билан табриклаб, сизларга самимий ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислам Каримов. — Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — сиз, азизларга Ватанимизнинг мукофотларини — юксак унвон, орден ва медалларни топшириш, сизларни табриклаш, мен учун ўта шарафли вазифани адо этишдир.

> 4-бет.

Тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожини ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

> 4-бет.



Мирсаид НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус — 2014" кўрик-танловининг Миробод туман босқичи ғолиби:

— Юртимизда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, миллий хунармандчилик маҳсулотларига халқимизнинг бой қадрият ва анъаналарини дунёга кенг танитишнинг ўзига хос воситасидир. Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Сана

Мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, демократик ислохотлар ва янги ланишларга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш берган Конституцияимизга ҳаётимиз қомуси, дея таъриф берилади. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси акс этган Асосий қонунида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари билан бирга миллимизга хос кўп асрлик маънавий-ҳуқуқий қадриятлар ўз ифодасини топган. Шу боис унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламга етказиш фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг зарур шартидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент тўқимачилиги ва энгил саноат институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб "Конституция — мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзусидаги давра суҳбатига шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар ва вилояти кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, Тошкент тўқимачилиги ва энгил саноат институти профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

> 5-бет.

Депутат сўров киритди

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш мақсадида 2001 йил 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга асосан "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низо" тасдиқланган. Унга кўра, республикаимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари мамлакатимиз олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган Ўзбекистон фуқароларига таълим кредитлари ажратиши белгиланган. Ҳозирги кунда мазкур имкониятлар таълим олишга иштирокчи ёшларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Таълим кредитлари талаба-ёшларга муҳим кўмакчи бўлмоқда

бу борадаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда ЎзМТДП гуруҳлари депутатлик сўрови ваколатидан унумли фойдаланаётир

Жумладан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ҳар томонлама етуқ авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш борасида устувор мақсад-вазифалар белгиланган. Мазкур дастурий вазифаларни партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари самарали амалга ошириб келмоқда. Бу жараёнда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда.

> 7-бет.

Дилга хуш ёқувчи қадимий наво

Садоси дилга хуш ёқувчи, кишига хузур бағишловчи сеҳрли наво миллий чолғумиздан таралганда беихтиёр кўз ўнгимизда қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бирин-кетин намоён бўла бошлайди



> 8-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

< Давоми.

Бошланиши 1-бетда.

Жорий йилда иқтисодийимизга қарийб 16 миллиард доллар қийматдаги инвестиция киритилди ва бу асосий фондлар умумий ҳажмининг салкам 23,3 фоизини ташкил этади.

Ўтган 5 йил давомида иқтисодийимизга жами бўлиб қарийб 67 миллиард доллар инвестиция йўналтирилди, бунинг 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялардир. Бунинг натижасида мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатлар билан ривожланмоқда, унинг таркиби тубдан янгиланмоқда, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар ишга туширилиб, ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилинмоқда, иқтисодийимизнинг рақобатдошлиги ошмоқда.

Бугун биз Ўзбекистонимизда барпо этилаётган энг замонавий, улкан ва ноёб саноат объектлари билан ҳар томонлама фахрланишга ҳақлимиз. Айниқса, Сурғил қони неғизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси каби объектларнинг фойдаланишга топширилаётгани, "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда автомобиль двигателлари ишлаб чиқарилаётгани, "МАН" компанияси иштирокида Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этилгани, шунингдек, Япониянинг "Исузу" компанияси билан биргаликда автобуслар ишлаб чиқарилаётгани, "Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси" масъуляти чекланган жамияти базасида "Дамас" ва "Орландо" энгил автомобиллари ишлаб чиқариш ўлаштирилгани алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шулар қаторида Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқарадиган завод барпо этилган, темир йўл магистралларининг электрлаштирилаётгани, юқори тезликда ҳаракат қиладиган "Тальго-250" йўловчи поездлари харид қилиниб, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Қарши йўналишлари бўйича уларнинг ҳаракати йўлга қўйилгани ва шулар сингари бошқа ютуқларимиз барчамизга гурур ва ифтихор етказиши муқаррар.

Насиб этса, янги йилда бу тезюрак поездларнинг Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилади.

Янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда фақат охириги 5 йилнинг ўзига 5 миллионга янги иш ўрни яратилгани биз учун ниҳоятда муҳим бўлган масалани ечишда катта амалий қадам бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало **одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаолияти ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.**

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, ўз вақтида, яъни бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, Мақтаб таълимини ривожлантириш умумий миллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимини ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий бир воқеа бўлди, десак, адашмаган бўламиз.

Бунинг натижасида **муқтаб ва янгица фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда.**

Ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, шунинг ўзи эртанги кунимизнинг энг мустаҳкам пойдевори эмасми?!

Қадри ватандошлар!

Янги — 2016 йил ва келгуси йиллар амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини кучайтиришда янада юксак босқич бўлади, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Бу ўринда гап иқтисодиётда сифат жиҳатдан туб тарихий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, чет эллик шериклар албатта акциядорлари

бўладиган янги корпоратив ташкилотларни шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш ва бунинг учун барча зарур шароит ва преференцияларни яратиш ҳақида бормоқда.

Бу вазифаларнинг принципап жиҳатдан янгилиги ва уларнинг сўзсиз амалга оширилиши мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича навбатдаги босқичнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Шуни айтиш кераки, бу йилда бизнинг олдимизда турган асосий вазифамиз — бошлаган ислохотларни мантикий якунига етказиш, эскича қарашлардан, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув усулларидан бутунлай воз кечишдир.

Таъкидлаш зарури, бугунги кунда бу масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бунинг тасдиғи сифатида шу йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумини эсга олишимиз ўринли бўлади.

Ушбу ажирамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга хорижий инвесторларнинг ишончи тобора ортиб бораётгани яққол намоён бўлди. Унда дунёнинг ривожланган 33 та давлатдан нуфузли фирма ва компанияларнинг 560 дан зиёд вакили, шунингдек, етакчи халқаро молия институтлари раҳбарлари иштирок этди. Форум якуни бўйича умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд инвестиция битимлари имзоланди.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслигимизни истардим. Яъни, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни бир уринишда ҳал бўладиган, бажариладиган вазифа эмас.

Бундай фикр билан яшайдиган бўлсак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Содда ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу жараён Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсадларимиз ва принципларни амалга ошириш йўлидаги узлуқсиз давом этадиган, ҳаётимизни кундан-кунга фаровон, эркин ва овоз қиладиган жараён, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Шу қарашларни инобатга олган ҳолда, биз бугун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини кураётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Конституциямизнинг энг муҳим принципларидан бири, "Ўзбек модели" деб ном олган янги жамият барпо этишнинг 5 принциpidан бири бўлмиш қонун устуворлиги ва қонунчиликка риоя қилиш принциплари амалда қандай ўрин тутаётгани ҳақида гаплашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Ҳеч кимга сир эмас, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадрларга ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади.

Моҳиятан олиб қараганда, бу ўринда гап нафақат қабул қилинган қонунлар ва қонунчилик нормаларини сўзсиз бажариш ҳақида бормоқда. **Шу билан бирга, қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принциплари ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмаслик керак. Бу аввало олдимизда турган вазифаларимиз сари илгарилар боришимизни таъминлаб бериши зарур.**

Афсуски, кўп ҳолатларда бу қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берадиган ҳуқуқий механизмларни, қонунчилик ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни қабул қилишни кейинга сурамиз.

Бундай тажриба шунга олиб келадик, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасидаги қўлгина масалалар зарур ва энг оддий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмай қолади.

Шу муносабат билан Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши кераки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётда аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб борсин, бу

муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўрнини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин.

Энг муҳими, **барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириши зарур. Бунда қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак.**

Шу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлур эди.

Яна бир муҳим вазифамиз қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборатдир. Бу биз учун асосий марраларимиздан чалгимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

Бугунги кунда ана шу йўналишда кўплаб ишлар қилинмоқда, аммо даврнинг ўзи, янги конституциявий шароитлар бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этиш ва бажаришни тақозо этмоқда. "Парламент назорати тўғрисида" ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларнинг тезроқ қабул қилиниши кўп жиҳатдан ана шу вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Яна бир муҳим масала.

Конституциямизда **бизнинг беш мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган.** Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқатдан, яъни **халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаш мумкин, аммо адолатсизликка чидаш олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам, ўйлайманки, бутун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган бўламан.**

Бизнинг Конституциямиз, эски совет конституциясидан фарқли ўлароқ, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг манфаатлари давлат манфаатларидан устун эканини муҳрлаб қўйиш орқали одамлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишни ўзининг муҳим мақсади қилиб белгилади, ижтимоий адолат принципларини қонунчилик фаолиятининг барча йўналишларининг асоси деб эълон қилди.

Қадимги дунёнинг буюк донишмандлари "Нимаики қонуний бўлса, у — адолатлидир", деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Улар шу тариқа **айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини уқтирганлар, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.**

Ва ақинча, агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарса ёзилди, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституциямиз ва қонунларимизда муҳрлаб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади. Бундай ҳолат барчамизга аён. Қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди.

Мамлакатимизда бу борадаги, яъни, қонунчилик ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ишлар қандай аҳволда? Бу принцип қай даражада ҳаётимиз қонидига, давлат ва жамият қурилишининг пойдевори айланди? Аввало, бу қоида Ички ишлар вазирлиги ва унинг маҳаллий идоралари, прокуратура, суд ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи, назорат органлари фаолиятининг асоси ва моҳиятига айланганми?

Келинг, ана шу масалаларга бир назар ташлайлик.

Шу саволларга жавоб топиш, бу борада юртимизда ҳукм сураётган вазиятни холисона таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистондаги бугунги аҳволни дунёдаги бошқа давлатлар билан қиёслаб, солиштирганда кўп нарса аён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта оғруға эга бўлган, Гэллал институту деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томо-

нидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материаллари билан таншиш айна мудида бўлур эди.

Ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 минг шахснинг фикрини ўрганилган. Сўровномада 3 та савол ўртага қўйилган.

Биринчи савол "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?" деган мазмунда берилган.

Иккинчи савол: "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?"

Ва учинчидан, "Охириги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулк ўғирланган ҳолат содир бўлганми?" деган савол берилган.

Айна мана шундай саволлар орқали, авваломбор, сўров ўтказилган мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тартибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш кўзда тутилган.

Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамунлият билан таъкидлаш лозим. Бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилган, ҳеч шубҳасиз, барчамизга гурур ва ифтихор етказди.

Бу ҳақда гапирганда, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончинини янада мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, бу масала бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туришини унутмаслигимиз зарур.

Хурматли дўстлар!

Ҳеч кимга сир эмас, шуни ҳам тан олишимиз керак — кундалик ҳаётимизда ҳали-бери қонунга риоя қилмаслик, қонун ва қонунчиликнинг, адолат мезонларининг амалда кўпол равишда бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан ўз бурчиغا совуққонлик билан қараш қонунбузарликка олиб келиши билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски, кам эмас.

Бу — ҳақиқат ва ундан кўз юмиб бўлмайдими.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бу борада айрим мисолларни олиб келмоқчиман. Ушбу масала бўйича ўтказилган баъзи таҳлиллар шундан далolat берадики, жорий йилнинг тўхқиз ойи давомида фуқароларимиздан тўхқиз муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари устидан келиб тушган 500 га яқин шикоятнинг бештадан биттаси ички ишлар органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига тегишлидир.

"Ишонч телефон"лари орқали адлия идораларига қилинган мурожаатларнинг 96 фоизи қаноатлантирилган, аризаларнинг 4 фоизини қаноатлантириш рад этилган. Бу рақамлар нимадан далolat беради? Шикоят билан мурожаат қилган одамларнинг у ёки бу давлат органлари қарорларидан норози бўлишга тўла ҳақли эканидан далolat беради.

Одамлар нима ҳақида ариза ёзмоқда? Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний қарорлар қабул қилаётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари кўпол муомалада бўлаётганидан, аҳоли мурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилмаётганидан шикоят қилмоқда. Фуқаролар тергов органлари томонидан тергов ҳаракатларини амалга оширишда процессуал қонунчиликни кўпол равишда бузиш билан боғлиқ фактлар борлигини кўрсатмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти бўйича асосий тегишувлар ўтказилишига йўл қўймасликка қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинганга қарама-дан, ана шу соҳа вакиллари бундай ҳолатлар ва бошқа қонунбузарликлар давом этаётганидан шикоят қилмоқда.

Мана шундай ва бошқа кўплаб мисоллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўзларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг талаб ва нор-

маларига сўзсиз риоя этиш эканини теран англаб олиши учун ҳали кўп иш қилишимиз кераклигидан далolat беради.

Бундай ҳолатларни қайд этар эканмиз, Бош прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш (Конституциянинг 118-моддаси) бўйича зиммасига юклатилган конституциявий вазифани қай даражада ва қанчалик самарали бажармоқда, деган савол тугилади.

Маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага фуқаролардан прокуратура ходимлари устидан 426 та шикоят келиб тушган. Мазкур шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 45 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган, 22 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган, 33 нафар ходим прокуратура органларидан бўшатирилган.

Ўз-ўзидан равшанки, ана шу рақамлар ва прокуратура тизимидаги аҳвол бизни қониқтирмайди, албатта. Шу муносабат билан Олий Мажлис Сенати қисқа муддатда прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва унинг фаолияти қонунийлиги масаласини кўриб чиқиши зарур.

Бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайдими. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишни киритиш зарур.

Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида кенг қўламли ва самарали ишлар амалга оширилганини эътироф этишимиз керак. Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун, шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ана шу қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, жиноят процессининг судга бўлган босқичида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чоралар амалга оширилди, "Хабас корпус" каби демократик институтни қўллаш соҳаси кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судлари фаолиятининг таркибий тузилиши ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд идоралари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таркибдаги парламентимиз томонидан суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди.

Миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга биноан, фуқаролик суди ишлари электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилди. Бу ҳар йили фуқаролик, ҳўжал-қудлар томонидан кўриб чиқиладиган юз минглаб ишларни кўриб чиқиш самарадорлиги ва тезкорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Асосий қонунимизнинг 32-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга бўлди.

Ана шу конституциявий тузатишни ривожлантириш бўйича қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиклиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа кўплаб қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Сўнги йилларда қабул қилинган айрим қонунлар ва Президент фармонлари таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берадиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар хусусий мулкни эркин ривожлантириш, хусусий тадбиркорларни уларнинг ҳўжалик фаолиятига давлат, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг асоссиз аралашувидан ҳимоя қилиш қарорларини кучайтирди. Қонунлар ва Президент фармонларида белгилаб берилган қонунлар тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг давоми бўлди.

Шу борада “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим. **Ана шу қонунга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.**

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган бундай қарор ва тадбирларимизни кўпайтиришимиз ва самардорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифамизга киради.

Ҳаммамиз шунини таъ олишимиз керак, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишдан иборат. Бунинг эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Биз демократик ривожланган, тараққий тогган давлатлар қаторига кўтарилишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб олдимизга қўяр эканмиз, бу йўлда жуда муҳим бир шартни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор. Яъни, **демократия йўлига киришимиз аввало аҳолимизнинг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қоллиқлардан воз кечишимизни сўзда эмас, қўндалик ҳаёти-мизда таъминлашни талаб қилади.** Бу эса албатта бир кунлик осон иш эмас — бунга вақт керак, янги ҳаётни ўз юртида қурмоқчи бўлган ҳар қайси инсон шунга астойдил интилиши зарур. Аввало бу мақсад унинг онгу тафаккурида мустаҳкам ўрин топиши даркор.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришимиз, унинг сифатини тубдан яхшилашимиз лозим.

Азиз юртдошларим!
Олдимизда турган улкан вазифаларни, амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва мантқий яқинига етказиш биз учун олдин ҳам осон бўлмаган, бугун ҳам катта синовдир. Лекин шу борада ишончим комил, мустақил, озод ва эркин, демократик давлат ва фаровон жамият қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ялинмасдан яшаш имконияти халқимизга юз йилларда бир марта берилди.

Айни шундай тарихий имкониятни қўлимиздан чиқариш — бу нафақат бугунги авлодимиз, балки келажак авлодлар олдида ҳам хиёнат бўлур эди. Бундай имкониятни биз ҳеч қачон ҳеч кимга бермаймиз. Бундай хомхаёл ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмасин. Биз бошлаган йўлимизни охиригача албатта етказамиз, иншоолло.

Қадри дўстлар!

Барчамизга маълум, бир йил олдин мана шу муҳташам залда сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб, 2015 йилни юртимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилган эдик. Бизнинг бундай қарорга келишимиздан асосий мақсад — бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб бораётган ишларимизнинг самарасини оширишдан иборат бўлиб, айни шундай муҳим вазифаларни ўз олдимизга қўйган эдик.

Бугун, мана шу фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб мақсадларга қара-

тилган, амалга оширган ишларимиз якуни билан сиз, азизларни таништириш, қисқача ҳисобот беришни зарур, деб биламан.

Бу борада биринчи навбатда ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг давлат дастури қабул қилинган ва бу йўналишда 5-6 йилга мўлжаллаб режалаштирилган ишларимиз айниқса эътиборга сазовор, деб ҳисоблайман.

Хонадонларимизнинг кўрки бўлган кексаларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўзида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд қўпайтирилиб, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўлангани, ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этишини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Жорий йилда 1941-1945 йиллардаги урушда қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган 61 мингдан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3 миллиард 900 миллион сўм миқдоридида компенсация пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, 100 ёшга етган ва ундан ошган кексаларимизнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридида устама тўлаб бериш тизими татбиқ этилди ва шу каби бир қатор бошқа чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бутун тараққийларвар инсоният қатори бизнинг халқимиз ҳам Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабани қўллаб-қувватлашнинг эътиборига эришди. Шунингдек, 100 ёшга етган ва ундан ошган кексаларимизнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридида устама тўлаб бериш тизими татбиқ этилди ва шу каби бир қатор бошқа чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан таъсис этилган эсдалик медаллари, пул мукофотлари ва қимматбахш совғалар билан тақдирлангани, уларнинг шарафига турли учрашувлар, тантанали маросимлар ўтказилгани бу мўътабар зотларга эътибор ва гамхўрликнинг яна бир амалий намоёни бўлди.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар, “Маҳалла” жамғармаси ва бошқа нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар кўмағида ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож қарийб 10 минг фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилганини қайд этиш ўринлидир.

Давлат дастури доирасида **фахрийларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, шу йўналишга ихтисослаштирилган даволаш ва ижтимоий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш** бўйича ҳам кўп ишлар қилинди.

Жумладан, барча ҳудуд ва минтақаларимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” деган шиор остида кексалар, пенсионер ва ногиронларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган ижтимоий тадбирлар ўтказилди. Уларда 215 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга кўмак берилди.

Ўтган йили қабул қилган қароримизга мувофиқ 50 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар санаторийларда бекуп даволанди. Уларнинг 7 минг нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди, 5 мингдан кўпроқ қарияларимиз учун замонавий клиникаларда операциялар ўтказилиб, улар ўз дардига шифо топди.

Табиийки, бу борада соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматнинг сифатини давр талаблари даражасига кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йилда Инвестиция дастури асосида 141 та тиббиёт муассасасида қарийб 495 миллиард сўм ҳажмидаги реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган, уларни замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун хорижий молия институтларининг 25 миллион долларлик маблағлари жалб этилгани айни шу мақсадга хизмат қилади.

Шулар қаторида “Турон”, “Хавотот гулшани”, “Чимён”, “Ситорай Моҳи Хоса”, “Косонсой”, “Нуроний”, “Товоқсой”, “Тахиятош”, “Маржон суви” санаторийларида, шунингдек, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари

даги “Саховат” уйларида қарийб 40 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини айтиш ўринлидир.

Кексаларимизга кўрсатилётган махсус ёрдамлар, уларнинг моддий, ижтимоий, маиший таъминотини яхшилашга қаратилган ишларимиз билан бирга, улар яшаётган хонадонлар, маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод ва фаровон қилиш борасидаги фаолиятимиз ва уларнинг амалий самараси, ҳеч шубҳасиз, кексаларимизнинг ҳаётини янада мазмунли ва файзли қилишга қаратилгани билан алоҳида эътиборлидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жорий йилда қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта замонавий уй-жойлар, қарийб 170 та инфратузилма объекти, 260 километр йўл, 285 километр электр, 370 километр газ, 470 километр ичимлик суви тармоқлари барпо этилганини таъкидлаш зарур.

Шулар ҳақида гапирганда, халқимиз орасида кенг тарқалган бир ҳикмати, яъни “Кексалари бор уйдан файзу барака аримайди” деган гапда жуда катта маъно-маъмул борлигини, мўътабар отахон ва онахонларимизнинг ҳар бир сўзи, маслаҳат ва дуоларининг ўзи нақадар катта бойлик эканини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бу табарруқ зотлар биз учун қандай катта бойлик ва давлат эканини халқимиз яхши билади ва уларни доимо қадрлаб, эъзозлаб яшайди.

Албатта, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш, қўллаб-қувватлаш ва мисолларни олиб келиш мумкин. Лекин уларни мухтасар равишда қилдик. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғариз ёрдами билан қўймаги 130 миллион 600 минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасининг қурилиши бошланди. Бу мажмуанинг — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, тўртинчи, яъни энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлида улкан қадам бўлиши шубҳасиздир.

Соғлом она ва бола йили давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шакланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Шулар қаторида тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оливайи поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Соғлом авлоднинг воёга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектиларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришимиз ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Соғлом ва мустаҳкам оила соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига энг муҳим вазифа сифатида қарашимиз зарур.

Шу борада ўта муҳим бир масалага сиз, азизларнинг эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, **юртимизда киз болаларнинг — бўлгуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом**

борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаятган янги — 2016 йилни юртимизда **Соғлом она ва бола йили**, деб эълон қилишни таклиф этаман.

Хурматли дўстлар!
Барчамизга яхши аёнки, ҳар бир инсон аввало Оллоҳнинг марҳамати билан, она зотининг ўз боласини юраги остида асраб, тўққиз ой давомида тортган машаққатлари туйғайли дунёга келади.

Шу боис ҳаммамиз Яратганининг буюк мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз тимсолида ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаятган табарруқ зотларни кўраимиз.

Ёр эзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот мўътабар она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Муборак ҳадислардаги “Жаннат — оналарнинг оёғи остидадир” деган сўзлар ҳам ана шу юксак меҳр ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз.

Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишларни амалга оширганимиз барчамизга яхши маълум, албатта.

Ана шу йўналишдаги кенг қўламли ишларимизнинг давоми ҳақида гапирганда, биргина мисол келтиришни жоиз деб биламан. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғариз ёрдами билан қўймаги 130 миллион 600 минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасининг қурилиши бошланди. Бу мажмуанинг — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, тўртинчи, яъни энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлида улкан қадам бўлиши шубҳасиздир.

Соғлом она ва бола йили давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шакланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Шулар қаторида тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оливайи поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Соғлом авлоднинг воёга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектиларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришимиз ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Соғлом ва мустаҳкам оила соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига энг муҳим вазифа сифатида қарашимиз зарур.

Шу борада ўта муҳим бир масалага сиз, азизларнинг эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, **юртимизда киз болаларнинг — бўлгуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом**

бўлиб воёга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мен бу ҳақда такрор ва такрор гапиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабиллик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни ангаласин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг катта орзуми ва тилагимдир, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, дастурда коллеж битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларимизни иш билан таъминлаш масаласини долзарб вазифа тариқасида кўришимиз даркор.

Шу борада ўзининг кичик бир хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интиляётган ёшларимизга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш борасидаги ишларимизнинг қўламини кенгайтириш ҳам диққатимиз марказида бўлиши керак.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гиғиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомилдор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парварши қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим. Қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтидиган бўлсак, афсуски, кўпгина хонадонларимизда бу ўта муҳим масалаларга етарлича аҳамият бермаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомилдор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, қайғиёти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан ҳулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз маъзул эканимизни унутмаслигимиз зарур.

Бу ҳақда гапирганда, бир қарашда арзимас нарсасек туюлади, лекин ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш — бу юртимиздаги тинчлик-оқошталлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартини эканини доимо эсда тутишимизни истардим.

Бунинг учун ҳаммамиз биргаликда иш олиб боришимиз, хусусан, жойларда ҳокимият идоралари билан маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни қозонга кучайтириш, эл-юрт орасида обрў қозонган ҳурматли инсонлар, муҳтарам қайвониларни бу ишларга кенг жалб этиш айни мудоао бўлур эди.

Азиз ватандошлар!
Биз янги — 2016 йилга мана шундай эзгу ва олижаноб ниятлар билан қадам қўяётган эканмиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг қудрати ва салоҳиятини, бутун борлигимизни ва куч-ғайратимизни шу йўлда сафарбар этиш учун барча шароит ва имкониятларга эгамиз.

Энг муҳими, **“Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”** деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улғун ишга муносиб ҳисса қўйиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

Ишончим комил, кўпни кўрган халқимизнинг меҳнати, ақл-заковати ва азму-шижоати билан Соғлом она ва бола йили бўйича белгилаб олган мақсад ва вазифаларни албатта рўёбга чиқаришга эришамиз, янги йилимиз яқинига етаётган 2015 йилдан зиёд бўлса бўладики, асло кам бўлмайди, иншоолло.

Сизларнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сийхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси



«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш дара-

жасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ортиши — барча ютуқ ва имкониятларимизда Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си байрамимизнинг яна бир муҳим жиҳати, шу куни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган эди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури асосида ёши улуг инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Кексаларнинг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Фахрийларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини мазмунли ташкил этиш, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда уларнинг тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлидаги бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2016 йилни мамлакатимизда **Соғлом она ва бола йили** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифини йиғилганлар гулдурор қарсақлар билан қўллаб-қувватлади.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сизларнинг тимсолингида давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизга ҳам, ғойибона бўлса-да, чин қалбимдан чуқур ҳурматини, эзгу тилакларимни билдириш ва қутлаш — менга катта мамнуният ва хурсандчилик етказди.

Бугун одатларимиз қаторига кириб қолган Конституциямиз куни арафасида учрашиб, ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган устувор вазифамизга эришиш йўлида, яъни дунёдаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторига чиқиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси, сифати, обрў-эътиборини юксалтириш мақсадида қўлга киритган марралар ва ютуқлар, шу билан бирга, янги режаларимиз ҳақида, ҳаётимизга катта таъсир ўтказган воқеаларни эслаб ўтамиз, деди Президентимиз.

Агар якунига етаётган йилмиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йил халқимиз учун омадли, ҳосиятли келди. Ватанимиз равнақи, ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш борасида улкан ютуқ ва натижаларга эришдик.

Саноат, қурилиш ва транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик, илму фан, таълим-тарбия, ижтимоий тармоқлар, бай сўз билан айтганда, қайси соҳани олмайлик, барқарор ва изчил ўсиш суръатларини яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 7 миллион 500 минг тоннага яқин галла, 3 миллион 350 минг тонна пахта ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб олиб, мавсумини ёруғ юз билан якунлаганимиз, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот каби тармоқларда ҳам салмоқли натижаларга эришганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ўз ишимиздан рози бўлишга барча асосларимиз бор, деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг тасдиғи сифатида иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланётгани барчамизни қувонтиради. Халқаро миқёсда саноқли давлатлар қаторида охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотимиз ўсиши 8 фоиздан кам бўлмасдан келадигани жазон тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳодиса, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айниқса, жорий йилда юртимизда энг замонавий технологияларга асосланган, иқтисодиётимизнинг лоқмотиви бўлган йирик корхоналар фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз тарққиёти йўлида алоҳида ўрин олади. Сурғил қони негизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Уст-юрт газ-кимё мажмуаси ишга ташириладигани, Самарқанд автомобил заводига Германия билан биргаликда дунёда ном қозонган “MAN” русумли оғир юк ташийдиган машиналар ва автобусларни, Япония шериклигида “Isuzu” автобусларини, шунингдек, Хоразмда “Orlando” ва “Damas” автомашиналарини ишлаб чиқариш йўлига қўйилгани бу борада улкан қадам бўлди, деди Юртбошимиз.

Юқори тезликда ҳаракат қиладиган, электрлаштирилган темир йўлимизнинг Тошкент шаҳридан Қаршигача етиб боргани, насиб этса, бу йўл янги йилда Бухорога етиб бориши — бундай ишларимиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин — буларнинг барчаси аҳолимизнинг ҳаёт

даражасини янада яхшилаш, одамларимизни рози қилишда, халқаро майдонда обрўимизни оширишда, ҳеч шубҳасиз, беқиёс ҳисса бўлиб қўшилиди.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, бозор ва дўконларимизда **серобчилик ва арзончилик** ҳукм сураётгани, ойлик маошларнинг изчил ошириб бораётгани, юртдошларимизнинг бугунги ҳаётини кўнгли тўқ бўлиб, эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапирishi мумкин.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, чегара давлатлар қаторига дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш йўлида тоғдек таянч бўлиб келадиган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг мардонавор хизмати туфайли юртимизда осуда ҳаёт ва барқарорлик ҳукм сурамқда ва **бу бизнинг энг катта, бебаҳо бойлигимиздир**, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Айниқса, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириб, эгаллик ҳиссиёти, уларнинг ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлиги, фуқаролик ва сиёсий фаоллиги кучайиб бораётгани, бу юрт, бу замин — меники, унинг келажағи менинг меҳнатимга, менинг қўшаётган ҳиссамга боғлиқ, деган қараш билан яшаётгани, ватанпарварлик туйғуси юксалиб бораётгани бугун эришаётган барча ютуқларимизнинг энг муҳим омил бўлмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисан.

Шу борада ёши қолиб ва қарашлардан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, залмон талаб қилаётган билим ва касб-ҳунарларини эгаллаётган, дунёдаги тенгдошлари билан ҳар қандай беллашувга тайёр бўлган ёш авлодимиз — бизнинг фарзандларимизнинг ҳал қилувчи куч бўлиб минбарга чиқаётгани, **ҳеч шубҳасиз, эртанги кунимизнинг, эркин, демократик жамият ва фаровон ҳаётимизнинг кафолати, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Президентимиз халқаро аҳвол ҳақида тўхталар экан, бугунги кунда бизнинг ўта нотинч ва таҳликали замонда яшаётганимиз, узоқ ва яқин атрофимизда қарама-қаршилиқ, зиддият ва қон тўкишлар, жаҳон миқёсида иқтисодий инқирозлар тобора кучайиб, вазият янада кескинлашиб бораётгани **барчамизни катта ташвиш ва хавотирликка солмасдан қўймайди**, деб таъкидлади.

Бундай мураккаб шароитда турли бало-қазоларни осотонамизга йўлатмаслик, уларнинг олдини олиш, бугун биз кечираётган тинч ва осуда ҳаётга етказгани учун Яратганга шукроналар билдириб, мусофиро осмонимизни кўз қорачиғиде асрашни ҳар биримиз чуқур англамоқдамиз, янада сезгир ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини яхши тушунмоқдамиз.

Шу борада гоят муҳим бир масалага, тарихимизда, бугунги ҳаётимизда ҳам ўз тасдиғини толган ҳақиқатга эътиборингизни тортмоқчиман, деди Ислам Каримов.

Агар биздан, қўнча тарихимиз давомида эл-юртимизнинг қанча-қанча суронли ва бўронли синовлардан эсон-омон ўтишида уни асраб-авайлаган, унга қуч-қувват берган нарсанимиз, деб сўраса, **жавоб битта бўлишига ишонаман**. Яъни, асрлар мобайнида бошидан қандай оғир кунлар ўтган бўлмасин, **халқимиз бир тану бир**

жон бўлиб, ҳар қандай офат ва балоларга қарши курашган, ҳеч қачон бўш келмаган, халқимизга мансуб мардлик ва матонат, қатъият, азмушижоат кўрсатган, **жонини фидо қилишга тайёр бўлиб майдонга чиққан**.

Шу билан бирга, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик каби ноёб хусусиятлар бу йўлда эл-юртимизга таянч бўлган. Булар тарихдан кўп-кўп мисоллар олиб келиш қийин эмас.

Бизни ўзгалардан ажратиб турадиган айни шундай фазилатлар ҳар доим халқимизга мадад бериб, бугунги кунда ҳам олдимизда қандай мураккаб муаммолар турган бўлмасин, уларни мардона энгиб ўтиш, **дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, адолатли давлат ва жамият қуришда бизга куч-қувват, эртанги кунимизга ишонч бағишлаб келмоқда**.

Бундай халқимизга хизмат қилиш, бутун борлигини сафарбар этиш ҳақиқатан ҳам энг катта саодатдир, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизларнинг очик чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очигини айтсам, гўёки ўзим ҳам муқофот олгандек хурсанд бўлиб турибман, — деди Ислам Каримов. — Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсун, сизларни янги-янги ютуқ ва марраларга руҳлантирсин.

Халол меҳнат билан мана шундай юксак қадр топиш, эл-юртимиз ардоғида бўлиш барчамизга насиб этсин. Ватанимизни, халқимизни доимо Яратганнинг ўзи асрасин! Барчангизга сийҳат-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу борақадда давлатимиз раҳбаридир.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қарақорғон, “Нуруний” жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси Таваккал Топловдиев, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри Мирзажон Азизов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон академик рус драма театри актёри Олег Галахов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари Геннадий Харлап, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенес Каримов, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, “Давсувҳўжаликназорат” инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори Кенжабой Ортиқов, “Шухрат” медали соҳиби, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сурхондарё вилояти Кенгаши қошидаги “Ёшлар маркази” тўрақар раҳбари Нафосат Қурбонова, “Шухрат” медали соҳиби, бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Бектемир Мелиқўзиев давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари уларга янада куч-ғайрат бағишлаганини, Ватанимиз тарққиёти йўлида янги марраларни эгаллашга ундашини таъкидлади, юксак эътибори ва ғам-хўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

Муносабат

Қонун устуворлиги тараққиёт асосидир

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги дастурий маърузаси ҳар бир ватандошимизни тўққизлаштириб, қалбини фахру ифтихорга тўлдиргани шубҳасиз. Чунки маърузада эътироф этилган мамлакатимизда эришилган ютуқ ва марралар, амалда оширилган кенг қўламли ислохотларнинг беқиёс самаралари ҳар бир юртдошимиз ҳаётида акс этмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётимизга жорий этилган демократик ўзгариш ва ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб, давлатимиз тажрибаси кенг эътироф этилмоқда. Буларнинг барчасига Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари маърузасида қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтириш, уларни амалга ошириш механизмларини аниқ қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш, қонун ижрочилиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалашти-

риш бўйича самарали тизим яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, ислохотлар изчиллиги, соҳалар тараққиётига хизмат қилади. Ўтган даврда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база, айниқса, жаҳон бозорида ҳали-ҳамон сақланиб турган беқарорлик шароитида мамлакатимизда барқарор

иқтисодий ўсиш суръатларини янада ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Шундай экан, аввало, қонунларнинг ҳар томонлама пухта, пишиқлиги, улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонунларни ишлаб чиқиш ва маромига етказиш жараёнида тегишли соҳага оид муносабатларни, халқаро тажрибани чуқур ўрганиши, таҳлил қилиши, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф-тавсияларини олиши лозим. Шу билан бирга, биз депутатлар қонунларнинг самарали ишлаши таъминлашга, уларнинг одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётганини ўрганишга, ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади. Қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилса, қонунчиликда айрим бўлиқлар, амалдаги саёб-ҳаракатларда тушунмовчиликлар юзага келмайди.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қонун ҳужжатлари инвен-

таризациядан ўтказилиб, таҳлил қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Бундан кўзланган асосий мақсад — амалдаги қонунларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларини янада такомиллаштириш, нормалари ишламаётган ёки икки томонлама талқин қилинаётган процессуал қонунларни таҳлил қилиш ҳамда уларни узвора уйғунлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришдан иборат. Таъкидлаш жоизки, ушбу фаолият натижасида айрим соҳа ва тармоқлардаги ҳуқуқий камчиликларни бар-тароф этишга қаратилган зарур қонунлар қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имкони пайдо бўлмоқда. Келгусида қонун ижодкорлиги фаолиятимизда қонунларнинг пухталиги билан бирга, уларнинг самарали ишлаши таъминлайдиган жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз — бугунги куннинг долзарб вазифасидир.



Шухрат ТУХТАБОВЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Соғлом она — соғлом авлод гарови

Тапи ва руҳи соғлом одам жамият бўлишидир. Соғлом инсонлар соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом авлод мамлакатнинг қудрати ва ёрқин келажагини таъминлайди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар сафар янги йилга ном берилишини юртдошларимиз катта ҳаяжон билан қарши олади. Бойси йил қандай ном билан аталмасин, унда, энг аввало, халқимиз, оила аъзоларимиз, фарзандларимиз манфаатлари муҳассам бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган 2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганини эшитиб, ўзбек аёли сифатида биз ва фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғам-хўрликдан ғурур ва ифтихор туйғуларини туйдим.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни жисмонан соғ-

лом ва маънан етук инсонлар этиб вояга етказишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Аёлларини қадрайдиган, ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган юрtdа яшашнинг ўзи улкан бахт. Чиндан-да, агар аёлнинг фарзандлари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғлом, хонадон тинч, рўзғори фаровон, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса, ҳаётдан рози бўлиб яшайди, инсонда янги куч-шижоат пайдо бўлиб, эл-юртга, жамиятга янада кўпроқ наф келтиргиси келаверади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамisha эзгу орзу-интилиш билан яшайди. Ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истаيدим.”

Жисмонан соғлом, баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш борасида изчил фаолият олиб боришни дастурий мақсад-вазифалари сирасига ки-

ритган ЎзМТДП, унинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам 2016 йилда бу йўналишда амалга оширилажак саёб-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшишга интилади. Хусусан, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли тобора кучайиб бораётгани айни пайтда соғлом оналик ва болаликни таъминлаш йўлидаги янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур ҳуқуқий меъёrlарнинг самарали ишлаши таъминлашда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиши шубҳасиз. Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастуридаги устувор вазифалар фаолиятимизда муҳим дастуриламалга айланади.



Феруза ИБРАГИМОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ўқув-семинар

Хаётимиз қомуси мазмун-моҳияти

партия ташкилотларида кенг тарғиб қилинмоқда

Аввал хабар қилганимиздек, ҳудудий партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан "Қонунга ҳурмат — ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби" мавзусидаги ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, шу мавзудаги тадбир ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашида ҳам бўлиб ўтди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва қафолатларнинг амалдаги ифодасидир, — деди партия етакчиси. — Конституцияимизда қадриятларимизнинг муҳим бўлини "ойла" тушунишга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бош қомусимизнинг 63-моддасида оила — жамиятнинг асосий бўлини экани, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган белгилаб қўйилган. Бу бир тарафдан миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат рамзи бўлса, иккинчи томондан соғлом ва маънан юксак жамиятни шакллантиришнинг шарқона усули. Чунки, оилага эътибор — жамиятга эътибор демак. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида жамиятнинг асосий бўлини — оила институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Партияимиз мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга гамхўрликни ошириш тарафдоридир.

Конституцияимизда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг акс этгани мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилаётди. Бош қомусимизга "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим" деган меъёرنинг киритилгани жамиятни демократлаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур меъёр асосида фуқаролар муносабатларини тартибга солиш "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

— Фуқаролар муносабатлари аҳоли сиёсий-ҳуқуқий маданиятини белгилловчи муҳим мезон ҳисобланади, — деди тадбирда

сўзга чиққан ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобононов. — Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фуқароларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашни ўзининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалари сирасига киритган. Мазкур дастурий вазифаларни амалга оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари барча даражадаги партия ташкилотларида бўлиб ўтмоқда.

Шунингдек, ўқув-семинарда давр талабидан келиб чиқиб Конституцияимизга киритилган ўзгаришлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди. Айниқса, Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, Конституцияга киритилган ўзгаришлар мамлакатимиз тарихий ҳақиқати учун муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар Бош қомусимиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбега ниқариш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Самарқанд давлат университетини билан ҳамкорликда ташкил этган "Қонунга ҳурмат — ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби" мавзусидаги ўқув-семинар ана шу мақсад-вазифа рўйбега хизмат қилади.

Тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов сўзга чиқиб, қўли фуқаролик жамияти барпо этишнинг мустаҳкам асоси бўлган Асосий қонунимиз жамият ҳаётининг барча соҳалари ривожига муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Шу боис барча таълим муассасаларида Конституцияимиз чуқур ўрганилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ёш авлоднинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз Ватани, оиласи ва жамият олдидаги бурчи ҳамда мажбуриятларига масъулият билан ёндашиш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

— Конституцияимизда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари

ри ҳам аниқ ифодаланган, — деди семинарда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мархабо Гафурова. — Бош қомусимиз халқимиз учун миллий давлатчилигимиз аъёнларининг ўзида акс эттирган юксак ҳуқуқий ҳужжатдир. Асосий қонунимиз давлатимизни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканини, давлатларнинг суверен тенглигини эътироф этади. У куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланган билан ҳам эътиборлидир. Халқимизга хос бўлган ана шундай бағрикенглик тамойилининг Бош қомусимизда ўз ифодасини топгани мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-барқарорликнинг бош омиллидир.

Шунингдек, маърузачи Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари унда белгилаб берилган асосий тамойилларга тўла мос эканини қайд этди.


— Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда, энг аввало, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятга, яъни ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши баробарида ўзгалар ҳақ-ҳуқуқини, давлат ва шахс манфаатларини ҳам ҳурмат қилиши жуда муҳим, — деди семинарда маъруза қилган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини бош мутахассиси, тарих фанлари доктори, профессор Фарҳод Набиев. — Шу боис, мамлакатимизда ҳуқуқий саводхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, бошланғич таълим босқичидан бошлаб Конституцияни ўрганиш дарсликлари жорий этилди. Таълим босқичларида қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу навқирон авлод вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётди.

Ўқув-семинарда, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим тарбияни такомиллаштиришга қўмаклашиш, жамиятда Конституция ва қонунлар устуворлигини эриштириш, Конституциянинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, демократик жамиятнинг барпо этишда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирди.

Алишер РАҲМОН, Ориф ХОЛИҚУЛОВ "Milliy tiklanish" мухбирлари

ЎзМТДП ёшлари

Юксак салоҳиятли, билимдон, кенг дунёқарашга эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ўзини юрт тақдирига дахлдор деб биладиган ёшларга келажак буюк мамлакатни барпо этишга қодир. Шу боис истиқлол йилларида ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, навқирон авлоднинг ҳеч қандай кам бўлмайдиган камол топиши учун зарур барча шарт-шароит яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш, бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.



Ёшлар — соғлом ахборот муҳити тарафдори

навоийлик ёшлар ана шундай эзгу мақсад атрофида бирлашди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам эртаниш эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга қўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Навоий шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кен-

Фестиваль Навоий шаҳридаги Санъат галереясида "Маънавиятга ёт ғояларга қарши кураш — ёш расомларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга қўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Навоий шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кен-

ри иштирокидаги баҳс-мунозарада юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, соҳаларда келажакда янгиланиш жараёнлари ва унда навқирон авлоднинг ҳеч қандай кам бўлмайдиган камол топиши учун зарур барча шарт-шароит яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш, бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ, ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши раиси:

— Ҳар қандай ислохотнинг самараси — ёшларнинг жамиятда рўё бераётган ўзгариш, янгиланишларни ўз тақдир ва ҳаётига дахлдор, деб ҳис этиши билан белгиланади.

Икки кун қизгин ва кўтаринки руҳда давом этган ёшлар фестивалида бугунги кун ёшларининг тафаккури ва дунёқарашини кенглиги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, дунё саҳнида кузатилаётган воқеа-ҳодисаларга беварқ эмаслиги, энг муҳими, мустақил фикрга эга эканига тўғривор бўлди. Лекин сўнгги пайтларда ёш-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, глобаллашув жараёнлари ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиздан янада хушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этади. Зеро, бугунги ёшлар фестивали ана шундай мақсад-вазифаларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Фестиваль барча ёшларнинг мустақил фикри ва дунёқарашининг шаклланиши, ҳаётда ўз позициясини ёндашувини қатъий белгилаб олишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Чарос ИСМАТОВА, ЎзМТДП фаоли, фестивал иштирокчиси:

— Ёшлик — билим ва касб-ҳунар эгаллаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятни бойитиб бориш даври. Юртимизда билим оламан, истеъдодимни намоён қиламан деган ёшлар учун барча имконият ва шароит муҳайё. Бунинг натижаси ўлароқ тенгдошларимиз мамлакат ва халқаро миқёсда маданият ва санъат, спорт, илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритаётди. Бу, албатта, етарли эмас. Бунга жавобан ҳар биримиз фаол бўлишимиз, жамият ҳаётига, миллат ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз лозим. ЎзМТДПнинг фаол аъзоси сифатида шуни ишонч билан айта оламаники, партия томонидан бу жараёнда ёш авлоднинг турли таҳдидлардан, хусусан, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия ташкил этган бугунги анжуман ҳам таассурот ва ҳаяжонга бой, унутилмас ва эсда қоларли бўлди. У навоийлик ёшларнинг шижоати, юксак истеъдоди ва фаоллигини яна бир бор намойиш этди.

Ўралои ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



гаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида "Оммавий маданият"га қарши миллий ғоя билан курашамиз" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қозим Тоҳиев мамлакатимизда бугунги кунда навқирон авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч қандай кам бўлмайдиган камол топиши учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки кун давом этган анжуман доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов, давра суҳбатлари ҳамда очик мулоқотлар ташкил этилди. Айниқса, Навоий шаҳридаги 5-кураш мактабида бўлиб ўтган "Миллий кураш — миллат гурури" шиори остидаги спорт мусобақалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. 14-19 ёшли ўсмирлар ўзаро куч синашган ҳолатларга фахрий спорт усталари ҳакамлик қилди. Шиддатли ва қизиқарли кечган беллашувлар якунида голиблар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

да иштирок этган 13 ёшли Мухлиса Остонованинг "Биз терроризмга қаршимиз" мавзусидаги ижодий ишини ҳамкорлигида "Оммавий маданият"га қарши миллий ғоя билан курашамиз" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қозим Тоҳиев мамлакатимизда бугунги кунда навқирон авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳеч қандай кам бўлмайдиган камол топиши учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки кун давом этган анжуман доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов, давра суҳбатлари ҳамда очик мулоқотлар ташкил этилди. Айниқса, Навоий шаҳридаги 5-кураш мактабида бўлиб ўтган "Миллий кураш — миллат гурури" шиори остидаги спорт мусобақалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. 14-19 ёшли ўсмирлар ўзаро куч синашган ҳолатларга фахрий спорт усталари ҳакамлик қилди. Шиддатли ва қизиқарли кечган беллашувлар якунида голиблар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Анжуман дастурига мувофиқ Ёшлар марказида бўлиб ўтган "Ёт ғоялар ёшлар келажакига таҳдид солмасин" мавзусидаги мунозара ўз мазмун-моҳияти билан ёшларда катта қизиқиш уйғотди. ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари, партиянинг фаол ёшлари, Навоий давлат педагогика ҳамда қончилик институти фаолилари, профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолла-

Анжуман

Ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати

Тошкент шаҳри Юнусовод туманидаги 313-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиллигига бағишлаб, "Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, бир қатор олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, халқ таълими ходимлари, мактабларнинг тарих, она тили ва адабиёти фаоллари ўқитувчилари иштирок этди.

— Давлат суверенитети ва у танлаган йўл, халқнинг хоҳиш-иродасини янада устуворлаштиришда ўз ифодасини топади, — дейди Тошкент давлат шарҳунослик институти профессори М.Исҳоқов. — Шу нуқта назардан, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, мустақил давлатимизнинг Асосий қонунини ҳар томонлама мукамал яратиш устида иш олиб борилди. Президентимизнинг ғоя ва тақлифлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Конституция лойиҳаси тайёрланиб, атрофлича муҳокама этилди. Бунда нафақат ҳар бир модда ва банддаги қоида, меъёрлар, балки сўзларни қўллашга эътибор билан ёндашилди.

Халқимиз эришган бетимсол ютуқлар, тинч-осойишта, тўқин ва фаровон ҳаётимиз, навқирон авлоднинг баркамол инсонлар этиб вояга етказиш — буларнинг барчаси негизда Конституцияимиз турибди. Зеро, Асосий қонунимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик-осойишталикни таъминлашдек улкан мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Тадбирда информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ёшларни турли ғоявий хуружлардан ҳимоя қилиш, хушёрлик ва огохликка даъват этиш, уларни Ватанга, халқимизнинг миллий қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш, "оммавий маданият", ёт ғоя ва оқимлар таъсиридан асраш юзасидан фикр алмашилди.

Гулноза АЗИМОВА, ЎЗА мухбири

Депутат сўров киритди

Таълим кредитлари талаба-ёшларга муҳим кўмакчи бўлмоқда

бу борадаги савий-ҳаракатларни амалга оширишда ЎзМТДП гуруҳлари депутатлик сўрови ваколатидан унумли фойдаланаётир

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар партия гуруҳи фаолияти ўрганилганда, депутатлар ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда, айниқса, депутатлик сўровидан самарали фойдаланаётгани маълум бўлди. ЎзМТДП гуруҳи ҳисобот даврида жами 80 га яқин депутатлик сўровини амалга оширган бўлиб, уларнинг аксарияти ёшларнинг самарали билим олиши, касб-хунар эгаллаши борасидаги савий-ҳаракатларга қаратилгани эътиборга молик. Ўз навбатида, мазкур сўровларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Олийгоҳларда шартнома асосида тахсил олаётган вилоят ёшларига таълим кредитлари ажратиш борасидаги депутатлик сўровларини ҳам ана шундай муносабатлар билан сирасига киритиш мумкин. Партия гуруҳи олий ўқув юртлиридаги "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлиналари билан ҳамкорликда талабаларнинг оилавий шароити, моддий аҳоли, ўқишга бўлган қизиқишини ўрганиб келмоқда. Таълим кредити олишга эҳтиёжи бор йигит-қизларни аниқлаб, ҳудуддаги тижорат банклари билан таълим кредитлари ажратиш борасидаги депутатлик сўрови киритилди. Партия гуруҳининг ижтимоий шерикликда амалга ошираётган савий-ҳаракатлари ўз самарасини бериб, айни пайтга қадар унлаб ёшлар бу имтиёзлардан баҳраманд бўлдилар.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Азамат Дархон. — Жамиятда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш, бу ваколатлардан фойдаланиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш долзарб вазифалардан саналади. Вазирлик Маҳкамасининг "Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда вилоятимиздаги олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда тўлов-шартнома пулини тўлашга кўмакка муҳтож бир гуруҳ талабанинг ота-оналари ёки васийлари номига ўзлари яшайдиган аҳоли

манзилига яқин жойлашган тижорат банки орқали таълим кредитлари расмийлаштирилди. Партия гуруҳимиз аъзолари ўз ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида яна бир қатор лойиҳалар, тақлифлар тайёрламоқда. Бу жараёнда ҳар биримиздан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади.

Дарҳақиқат, юртимизда ёш авлод ка-

бўлсам-да, лекин маблағни қандай ҳал қилсам, деган савол ҳам пайдо бўлган эди. Шунда ўтган йили сентябрь ойида бир ҳамқишлоғим халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ёрдами билан таълим кредити олганини эшитиб қолдим. Мен ҳам партия гуруҳига муносабат қилиб, аввал кредит ажратиш шартлари ҳақида тўлиқ маълумот олдим. ЎзМТДП депутатлари таълим кредитларининг асосий қарзини қайтариш талаби ўқишни тугаллаганидан уч ой ўтганидан сўнг бошланиши, тегишли ҳужжатларни тайёрлашим лозимлигини айтди. Улар ҳудудимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномаси асосида оилавий шароитимизни ўрганди. Сўнгра таълим кредити ажратиш юзасидан тегишли ташкилотларга сўров киритдилар. Бундан қарангки, сўров ўрганиб чиқилганидан сўнг, бир ҳафта муддат ичида менга 2015-2016 ўқув йили учун зарур бўлган таълим кредити берилди.

Лазиз ХОЛМУРОДОВ, "Ипотекабанк" Жиззах вилоят бўлими мутахассиси:

— Таълим кредити олий таълим муассасаси бакалавриятига қабул қилинган талабаларга 10 йил, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилди. Қолаверса, ёшларга ва уларнинг ота-оналарига янада энгилликлар яратиш мақсадида Солиқ кодексига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртлирида таълим олишга йўналтирилган суммаларига даромад солиғи солинмайди. Шу боис ҳозир қўллаб-қувватлаш банкка таълим кредити олиш истагида муносабат қилаётир. Бу жараёнда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам олий ўқув юртлирида ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд оила фарзандларини аниқлаб, уларнинг таълим олишини рағбатлантириш мақсадида асосий маълумотларга таяниб, депутатлик сўровлари киритаётгани бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга, ижтимоий шериклик борасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

молоти учун дунёнинг ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган шароит ва имкониятлар мавжуд. Тараққиёт пойдевори, юрт равнақи кафолати бўлган таълимга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган зарур шарт-шароитлар юртимизда кенг билимли, юқори салоҳиятли, давлатимиз истиқболлини таъминлашга қодир ёшларни камол топтиришга қаратилган. Мамлакат бугун ва эртаси билан боғлиқ умуммиллий вазифани амалга оширишда партия фаоллари, кўп миң сонли аъзолари фаол иштирок этаётгани кувонарли ҳол. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг юқоридаги каби амалий ишлари, аввало, партия дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси, партиянинг сиёсий нуфузи юксалишига хизмат қилади. Шу билан биргаликда ЎзМТДПдан сайланган депутатларга сайловчилар ишончини мустаҳкамлаб, дастурий вазифаларимизни қўллаб-қувватловчилар сафи янада кенгайишида муҳим роль ўйнайди.

Меҳрож ДОВУРБОЕВ, Жиззах давлат педагогика институти тарих факультети талабаси:
— Ўқишга тўлов-шартнома асосида қабул қилинганми эшитиб, қувонган



ЎЗМТДП ГРУҲИ АЪЗОЛАРИ ИЛТИҲОГА ҚИЛДИРИЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИНИ ОЛИШГА ЭҲТИЁЖИ БОР

Сана

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад муҳимдир. Бузувчи нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар ҳам юксак эътироф этмоқда. Инсон манфаатлари устуворлиги, энг аввало, ҳуқуқий асосларда ўз ифодасини топади. Шу маънода мамлакатимизда давлат ҳамда жамият қурилишининг барча соҳасига дахлдор қонуни ҳужжатлари миллий ҳуқуқий қадриятларимиз ва давлатчилик анъаналаримизга таянган ҳолда, ҳақиқий манфаатларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унинг ижроси — доимий эътибор ва назоратда. Бунда эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Навқирон авлод ҳуқуқлари — Конституция химоясида

Мамлакатимиз Асосий қонунда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатларига ҳурмат руҳида воғга етказиш, ёш авлод вакилларининг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Унинг 41, 45, 64, 65-моддалари воғга етмаганларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва субъектлари, навқирон авлод вакилларини ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш масалалари қамраб олинган. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда эса бола ҳуқуқларини химоя қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимият ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари, ижтимоий химояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг кўшимча кафолатлари ва соҳага доир бошқа ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Шунингдек, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот замирида ҳам ҳар томонлама соғлом ва

етук, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида гап-сўз қилиш мақсади мужассам. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воғга етишига боғлиқдир. Ана шу ўринда Конституцияимизнинг 41-моддасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Унга кўра, ёшларнинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Шахсининг билим олишга бўлган ҳуқуқи Конституция асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар, шу жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Зотан, ёшлар ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла намоён этишга ҳақлиқдир. Бош қомусимизнинг 42-моддасида эса ҳар кимга илмий ва техникавий ижод-эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлангани, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳамхўрлик қилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз олий ўқув юртлирида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қонданга ҳаётимизда нечоғлиқ чуқур татбиқ этилаёт-

ганини кўриш-кузатиш мумкин. Қонун билан белгиланган ёшга етгач, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари доираси ҳам кенгайди. Конституциянинг 34-моддасига биноан, улар касба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқларига эга бўладилар. Энг муҳими, бизнинг янги авлодимиз мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, унинг равнақи йўлида ҳал қилувчи, ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бор-

моқда. Кези келганда, бу борада эришилган ютуқларга яна бир бор тўхталиб ўришли. Инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллаб турибди. 2014 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти тузган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гап-сўз қилган бўлган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу каби юксак эътироф ва эътибор намуналарини яна қўллаб келтириш мумкин. Албатта, буларнинг барчасига давлатимиз Асосий қонун — Конституцияимиз пойдевор бўлмоқда. Бош қомусимиз асосида қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари бир томондан, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини рўйб-га чиқаришга имкон яратса, иккинчидан, уларнинг сиёсий ҳуқуқий онги, билимлари ҳамда ҳуқуқий ҳулқ-атворининг юксалишига замин яратади.

Мухтасар айтганда, Конституцияимизда ўз ифодасини топган ёшларга оид меъёrlар, Президентимиз раҳнамолигида уларга қўрсатилаётган доимий эътибор ва гап-сўз, ўз навбатида, ёш авлод зиммасига ҳам залворли масъулият юклайди, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришишда ёшлардан янада фаоллик кўрсатиш талаб этилади.

Зумрад БЕКАТОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Комиссия йиғилиши

Самарали ижтимоий лойиҳалар муносиб қўллаб-қувватланмоқда

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида нодавлат ношароит ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа иштирокчилари шаклланиши ва изчил ривожланиши учун кенг қўллаб-қувватлашга асосий эътибор берилди. Уларнинг демократик ўзгаришлар, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятимизни либераллаштириш жараёнидаги иштироки кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, жорий йилда Давлат бюджетидан бу борадаги мақсадлар учун 10 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди давлат грантлари ажратиш ва давлат ижтимоий буюртмалари бериш бўйича 7 танлов ўтказиб, 1200 га яқин нодавлат ношароит ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа иштирокчиларини қўллаб-қувватлади. Эътиборлиси, улар тақдим этган ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар сон ва сифати янада ошиб, ўтган йилга нисбатан 2 бараварга ўсди.

грант танловлар ҳамда ижтимоий лойиҳалар натижалари атрофлича муҳокама этилди. Жорий йилда давлат субсидияси олувчилар қарийб 50 қонунни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар, 1800 дан зиёд ахборот-таҳлил материаллари тайёрланди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб "Энг улуг, энг азиз", журналистлар ижодий фаолигини рағбатлантиришга қаратилган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика танловлари ҳамда қатор семинар-тренинглари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб "Озод юрт тўқинлари", "Журналистлар баҳори — 2015" медиа-фестиваллари, "Менинг юртим — менинг фахрим" акциялари ўтказилди. Мазкур тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, уларда мамлакатимизда демократик ислохотларнинг амалга оширилиши ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёни ўз аксини топди.

— Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасига, давлат органларининг буюртмаларига мувофиқ танлов асосида йиғирмадан ортик давлат буюртмаси ажратилди, — дейди Парламент комиссияси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Широнов. — "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг фаол иштирокини таъминлаш давлат ижтимоий буюртмаларининг энг муҳим йўналишига айланди. Бунинг самарасида "Нуроний", "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Экосан" жамғармалари уруш ва меҳнат фахрийларига ижтимоий хизматлар кўрсат-

тиб, ногиронларга эшитиш мосламалари, аравачалар, ҳаракатланиш воситалари ва зарур ортопедик жиҳозлар тақдим этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш мақсадида учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар, театрларга экскурсиялар ташкил этилди, турли спорт мусобақалари ўтказилди. Жумладан, Ҳўжайли, Зомин туманлари ҳамда Қўқон шаҳридаги Мурувват уйларида қайта тикланувчи электр манбалари жорий этилди. Бу савий-ҳаракатлар кексалар ҳаёти ва фаолияти, хордиқ чиқаришини ташкил қилиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, мулоқот марказлари, қизиқишлар бўйича клублар тузиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги арафасида Парламент комиссиясининг фуқаролик институтларининг аҳоли ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган давлат гранти танловларининг натижалари ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, Парламент комиссияси нодавлат ношароит ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жами 207 лойиҳасидан 34 тасини маъқуллаб, қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий мероси, республикамизнинг истиқлол йилларидаги ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги ютуқларини тарғиб қилишга қаратилган қўшимча 6-грант танлови натижалари ҳам эълон қилинди. Бунда жами 115 лойиҳадан 28 лойиҳа қолиб топилди, белгиланган тартибда маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида давлат грантларини амалга оширишда жойларда мониторинг ўтказиш ва ижтимоий шерикликни кучайтириш бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак кўрсатиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузуридаги Ижтимоий шерикликка оид жамоат комиссияларининг фаоллигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Умида УЗОКОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида ифода этган, миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим самалаштирилган қомусдир. Халқимизнинг тарихий давлатчилик тажрибасига асосланган, улуг аждодларимизнинг кўп асрлик ҳуқуқий меросини, маънавий ва умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро меъёр ва андозларини ўзида жамлаган Конституцияимиз энг мукамал конституция сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида қабул қилинган Асосий қонунимиз давлат ва жамиятимизни ривожлантиришнинг демократик принципларини мустаҳкамлаб, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратди.

Инсон эркинлиги — олий қадрият

Демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат миллий давлатчиликимизнинг муҳим воғларидан ҳисобланади. Асосий қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бир-бирини мазмунан тўлдириб боровчи ушбу конституциявий қонунлар инсон манфаатлари ва умуминсоний қадриятлар мажмуасининг эркин ифодасидир. Ушбу ҳаётий тамойиллар асосида мамлакатимизда "Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!" деган эзгу гоя амалга татбиқ этилаётир. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликларини шартлиги белгилаб қўйилган. Умуман, Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита дахлдор ўттиздан ортик модда мавжуд. Унинг муқаддимасидан тортиб яқунловчи моддаларига қадар инсон, унинг фаровон ҳаёти ва манфаатлари устувор аҳамият касб этади. Ҳар қандай давлат органи ва мансабдор шахсининг фаолияти инсон манфаатларига қаратилади. Конституцияимиз асосида инсонпарварликка

йўрилган миллий қонунчилик асослари мустаҳкамланиб боришмоқда. Билмай хато қилгани кеңириш, адолат одамнинг тўғри йўл топишига имкон беришдек халқимизга хос эзгу қадрият ва анъаналар қонунларимизга ҳам сингдирилди. Бу эса мамлакатимизда юксак инсонпарвар жамият барпо этилаётганига яққол далилдир. Асосий қонунимиз мамлакатимизнинг келажагини, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлаш, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган савий-ҳаракатларда мустаҳкам асос ҳисобланади. Унинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларни мамлакатимиз асосий ҳужжатини ўқиб-ўрганишга жалб этиш ҳар биримизга масъулият юклайди. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари кўмагида Конституцияимиз моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб-ташвиҳ этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Партиянинг бу каби савий-ҳаракатлари, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти юксалиши ҳамда қонунларга ҳурмат билан қарашига муҳим аҳамият касб этади.

Козим ТОЖИБ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Халқ чолғулари

Дилга хуш ёқувчи қадимий наво

Садоси дилга хуш ёқувчи, кишига хузур бағишловчи сеҳри наво миллий чолғумиздан таралганда беҳиштиёр кўз ўнгимизда қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бирин-кетин намоён бўла бошлайди. Бу куй олим-олис кенгликлардаги ўтовларни, халқ сайилларини, сочпоқ таққан қизларнинг шўх-шодон кулгисини ёдга солиб, юракнинг туб-тубига кириб боради. Дилни титратувчи бундай сеҳри куй чанқовуздан таралади. У халқимизнинг қадимий, миллий чолғу асбоби. Халқчи, оммабоп ва ўзига хос жаранга эга чанқовузда ўзбек халқ мусиқий ижодининг руҳияти мужассам.



Мустақил Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари кўҳна тарихи, бугунги жамоли, миллий мусиқа чолғулари ранг-баранглиги, турли-туманлиги, садоланаси хусусиятининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда миллий ижрочиликда қўлланилаётган халқимизнинг қадимий мусиқа чолғулари жаҳонда, айниқса, ёшларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бир қаторда, тарихимизга, анъана ва урф-одатларимизга халқимизнинг чуқур муҳаббати ва ардоғини намоён қилади.

Юртимизда чанқовузнинг айни пайтгача металлдан ва суюқдан ясалган турлари мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, мазкур чолғунинг металл қўлланилган даврдан олдин ҳам мавжуд бўлганини кўрсатади. XX асрнинг иккинчи ярмигача унинг ёғочдан ишланган тури ҳам бўлган. Ёғоч чанқовуз ёнғоқ, тут ва арча дарахтидан ясалган.

Бугунги кунда чанқовуз асосан темирдан тайёрланмоқда. Турли деталлардан ясалган бу мусиқа асбоби бир-биридан фақат кўриниши билан эмас, балки оҳангларининг жозибаси, нафислиги, йўғон ва ингичкалиги билан ҳам ажралиб туради. Чанқовуз Ўзбекистоннинг жанубий воҳасида кенг тарқалган. У қадимдан яққа ҳолда ёки дуэт тарзида ҳам ижро қилинган. Баъзан, ўн-ўн беш ижрочи бўлиб ансамбль жўрлигида чалинган ҳам манбалардан маълум. Чанқовуз чалиш, айниқ-

са, аёллар орасида кенг тарқалган. Ҳар бир аёл ёнида чанқовуз олиб юрган, унинг куйлари орқали ўз ҳис-туйғуларини намоён қилган. Сўхбат-гурунглари жонлантирган. Қадимдан чанқовуз момоларимиз, чўпон-чўлиқларимиз, бободоҳлонларимизга ҳамроҳ бўлган. У бамисоли кишилар дардини ҳам, кувончини ҳам бирга куйлаган, шу билан тингловчилар дилини хушлаган.

— Онам сени сандиғида сақлаган, Сақламаса кўнгли гарор толмаган. Эшитганда сенинг сулув сасингни, Эсаётган шамол четлаб тўхтаган, Бир чиройли нағманг учун, чанқовуз... — деб ёзади шоир Тўлибой Қобулов. — Худди кегагидек эсимда. Момом чанқовуз чалиб ўтирганида Шаҳрисабздан Самарқандга қайтаётган чет эллик сайёҳлар унинг навосини эшитиб, ҳовлимизни топиб келди, — дейди чироқчилик хунарманд Салтанат Қўлдошева. — Биз уйда гилам тўкиб утирар эдик. Сайёҳларнинг даярли барчаси чанқовуздан таралаётган куйга маҳлиё бўлиб, узок термилиб қолди. Сўнгра уни сотишимизни сўрашди. Хайрон бўлдик, яъни ўзбек чолғуси чет элликларга нега керак бўлди экан, деган уй хаёлимиздан ўтди. Шунда даниялик сайёҳ куйидагича жавоб

рочи чанқовуздан бетакрор оҳанглари ярата олади...

Бир кулоқ тутинг-а, унинг навосида воҳа кенгликларини дашт самимиёти, соддадил инсонлар тафти ҳамда сокинлик уфуриб турибди. Ҳеч бир ўйлаб кўрганмисиз, чанқовуз навоси нима ҳақда?


Чанқовуз куйлари кўрам баҳор, соф ва тиниқ осмон, ҳаммамиз кутган турналар парвозини эслатади. Маҳобатли тоғлар, сирларга бой асрий қоялар ва улар ортидан кўтарилаётган кўёш ҳақида сўзлайди чанқовуз. Чанқовуз — эндигина униб чиққан ниҳол, чуқур илдиэ отган азим дарахт ва уларга ҳаёт бахш этган муқаддас замин ҳақида, ўтмишини улуғлаб, бугунини қадрлаётган ва эртасини ўзлари бунёд этаётганлар ҳақида куй таратади.

Истиклол йилларида халқимизнинг неча минг йиллик тарихини ўзида мужассам этган миллий чолғуларимизни қайта тиклаш ва янада оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Чанқовуз овози", "Наврўз садолари", "Созлар навоси", "Умрбоқий наволар" каби кўплаб кўрик-танловлар ёшларга миллий қадриятларимизни тараннум этувчи қадимий чолғуларимиз ҳақида маълумот бериш, унутилиб бораётган созларни халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш партиянинг сайловолди Платформасида асосий вазифалардан этиб белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки миллий чолғуларимиз халқимизнинг битмас-туганмас бойлигидир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Сочингиз тўкилса...

Айрим инсонлар ёши улғайгани сари соч тўкилишидан азият чекади. Маълумотларга кўра, бутун дунёдаги эркакларнинг 60, аёлларнинг 30 фоизда мунтазам соч тўкилиши кузатилмоқда.



Аслида ҳар кун ўртача 50-100 тола соч тўкилиши — меъёрий ҳолат. Шунча миқдорда тўкилган тодаларнинг ўрнига яна янги-си ўсиб чиқади. Ундан кўп тўкилган ҳолатда, сочни парваришда ёки шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Соч танамиздаги жуда тез таъсирчан аъзодир. Шунинг учун ҳам у доимий парваришни талаб қилади. Оддийгина ҳаёт таъшишлари, руҳан сикилиш, фаслларнинг алмашиши ҳам, биринчи навбатда, сочларимизга таъсир этади. Аёлларда соч тўкилиши гормонал ўзгаришлар ва турли ҳиссиётларга берилиш натижасида содир бўлади.

Соч тўкилишига бир қанча омил сабаб бўлади. Булар: замбуруғлар, қазғоқ, қон айланишининг бузилиши, ташқи салбий таъсирлар ёки жиддий касалликлар. Шунингдек, соч тўкилиши насл суради. Наслдан-насла ўтадиган соч тўкилишининг олдини олиб бўлмайди. Бундан ташқари, турли юқумли касалликлар, гормонал ўзгаришлар, дори воситалари ҳам соч тўкилишига олиб келади. Айни пайтда соч тўкилишининг олдини олиш чораларини кўриш зарур. Бунда махсус тиббий воситалар, уй шароитида тайёрланган ниқоблар самарали ёрдам беради. Шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланмаслик, компьютер қаршида кўп ўтириш ҳам соч тўкилишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Сўнги пайтларда тиббиётда кўп учраётган — бошга соч экишдан кўра, тўкилишининг олдини олган осонроқ. Сочни ювиб бўлгач, соч қуритадиган ускуна (фен) дан камроқ фойдаланиш. Сочга турли кимёвий косметика маҳсулотлари сураверманг. Бундан ташқари, лимонни кўп истеъмол қилиш ҳам соч тўкилишининг олдини олади. Уй шароитида соч парваришнинг энг осон йўли уқалашдир. Ҳар кун кечки пайт гардинингиз ва бош терисини енгил уқаланг. Бу бошда қон айланишини яхшилаб, соч илдизига ижобий таъсир кўрсатади. Илдизлар яхши озикланса, соч ўсиши ҳам яхшиланади.

Совуқ об-ҳавода, албатта, бош кийим кийиб юриш керак. Шамоллаш ҳам сочни тўкади. Бундан ташқари, чангда ишлаганда ва чўмилаётганда бош кийим кийиш тавсия этилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Бир миллиард секунд — тахминан 37 йилга тенг.
- Футбол бўйича Европа чемпионолар лигаси мадҳиясининг матнини 1991 йилда Тони Бриттен ёзган.
- Колибри — ҳам олдинга ҳам ортга уча оладиган ягона қуш.

ТУРФА ОЛАМ

Кулоққа тақилмайдиган кулоқчин

Маълумки, барча кулоқчиннинг бир камчилиги бор: улар эшитувчини ташқи оламдан бутунлай ўзиб қўяди.



Янги — "Batband" кулоқчинлари эса ана шу камчиликни бартараф этади. Гап шундаки, янги кулоқчинлар овозни кулоқдан эмас, балки бош мия суяклари орқали ўтказишади. Мутахассисларнинг тушунтиришича, кулоқчин орқали узатилаётган маълумот бош суягидаги овоз тўлқинлари орқали ички кулоққа етказилади. Кулоқчинлардан компьютер ёки мобил телефонлари, шунингдек, "Bluetooth" каналлари орқали фойдаланиш мумкин.

Мазкур ноодатий қурилма "Studio Banana Things" компаниясида ишлаб чиқилди. Ундан мусиқа тинглашдан ташқари, кўнғирокларни қабул қилиш ва жавоб бериш мақсадида фойдаланиш ҳам мумкин. Ундаги микрофон икки томонлама алоқа ўрнатиш имконини беради. Кулоқчиннинг чап қисмида ўчириш, ёқиб кўнғирокларни қабул қилиш ва рад этиш тугмачалари бор. Унг томондаги тугмачалар билан эса овоз баландини кўтариш ё камайтириш, мусиқани ўтказиш мумкин. Кулоқчин литий-ионли батарея ёрдамида ишлайди ва унинг қуввати 6 соат мусиқа тинглаш ёки 8 соат гаплашишга етади. "Batband" кулоқчинлари 2016 йилнинг апрель ойидан сотувга чиқарилади. Нархи — 150 доллар.

Кир совунда ювса ҳам бўлади...

Япониянинг "Kyocera" компанияси оддий совунда ювиш мумкин бўлган янги турдаги "Digno Rafre" смартфонини тақдим этди.

"The Verge" нашри хабарига кўра, янги смартфонни нам жойларда ҳам ишлатиш мумкин. Смартфон қопламаси мустаҳкам қилиб ишлангани боис ташқи таъсирларга анча чидамли.

Қурилма Android 5.1. операциялар тизимида ишлайди. Унга 13 мегапикселли камера ва диагонали 5 дюйм, максимал кўрсаткичи 1280x720 пиксел бўлган экран ўрнатилган. Аккумулятор сизим уч минг миллиампер-соатни ташкил қилади.

Смартфон Японияда 11 декабрдан сотувга чиқарилади. Янги қурилманинг нархи 57 минг иенага баҳоланмоқда.

Интернет хабарлари асосида Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

2015 йил 18 октябрда муассисларнинг умумий йиғилишининг 5-сонли баённомасида "HAMKOR MEGA INVEST" МЧЖнинг умумий устав фонди 248 764 800 сўмдан 60 005 800 сўмга камайтирилганлиги ҳақида маълум қилиди.

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"АСАКА" банк

жамоаси Сиз азизларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллиги муносабати билан муборакбод этади!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Байрам муносабати билан куйидаги муддатли омонат турларини тақриф этамиз:

миллий валютада:	хорижий валютада:
<p>«БАРАКАЛИ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>	<p>«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариди)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>
<p>«БАҲОР»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>	<p>«МАДАД» (АҚШ доллариди)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>
<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади</p>	<p>«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (Еврода)</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>
<p>«ИМТИЁЗЛИ»</p> <p>Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади</p>	

"Асака" банк — сармомиягизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валюталардаги кулай шартларда 40дан зиёд омонат турларини тақриф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-80-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	228-96-83	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиарик филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўҳон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган